
"Чиркай" маҳалласи бўйлаб "Соғлом ҳаёт учун 5000 қадам" юриш марафони ўтказилди

Бугун эрта тонгдан Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўттиз бир йиллиги муносабати билан "Чиркай" маҳалласида катта тантана олдидан "Соғлом ҳаёт учун 5000 қадам" юриш марафони ўтказилди.

Марафонда туман раҳбари бошчилигидаги секторлар раҳбарлари, ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари, харбий хизматчилар, корхона-ташкilot ва муассасалар ходимлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари, кенг жамоатчилик ҳамда ёшлар вакилларидан иборат 500 дан зиёд кўнгилли иштирокчилар қатнашди.

Марафон якунида янгидан қуриб фойдаланишга топширилган 8-сонли мактаб биносида Давлат мадҳияси янгради.













2023-12-08 16:27:14